



# МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАНАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№1 (133)

2000 йил 5 январь, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

## 2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови куни

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида

Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш, меҳнатни рағбатлантириш ва даромадларни легаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг энг катта ставкаси 45 фоиздан 40 фоизга туширилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахслар даромадларидан солиқ иловага мувофиқ ставкалар буйича ундириладди.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига қўшимча ва узгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.
4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини  
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1999 йил 31 декабрь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида шлова

#### Жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган солиқ ставкалари

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ДАРОМАД МИҚДОРИ	СОЛИҚ СУММАСИ
Энг оз иш ҳақининг уч қарра миқдоригача	Даромад суммасининг 15 фоизи
Энг оз иш ҳақининг уч қарра миқдори (+1 сўм)дан беш қарра миқдоригача	Уч қарра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг уч қарра миқдоридан ошган суммадан 25 фоиз
Энг оз иш ҳақининг беш қарра миқдори (+1 сўм)дан ўн қарра миқдоригача	Беш қарра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг беш қарра миқдоридан ошган суммадан 36 фоиз
Энг оз иш ҳақининг ўн қарра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори	Ўн қарра миқдордан солиқ + энг оз иш ҳақининг ўн қарра миқдордан ошган суммадан 40 фоиз

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари,  
Кириб келатган Янги йилда Сизга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилақларимизни изхор этмоқчимиз. Ишончимиз комилки, янги асрда Ўзбекистоннинг Америка Яхудиёлари жамоаси ва Исроил билан муносабатлари янада мустаҳкамланади.

Утган бир неча йил Ўзбекистон билан дустлик алоқаларимизнинг ривожланаётгани муҳим ютуқларимиздан бири бўлганини эътиборга олишимиз керак. Сизнинг раҳнамолигингиз ва дастагингиз Борис Қандов томонидан илгари сурилган бу ташаббус муваффақиятининг асосий омилли бўлди. Сизга Ўзбекистонга келиб-кейтишимиз учун шарт-шароит яратганингиз учун ташаккур изхор этамиз, Ўзбекистондаги яхудиёлар жамоасининг ҳаётига ва тараққиётини таъминлаш борасидаги тадбирларингизни юксак қадрлаймиз. Сиз иккинчи жаҳон уруши даврида Яхудиёлар жамоасига нисбатан курсатилган меҳмондустлик ва муруватпарварлик анъаналари тарихига нисбатан катта ҳисса қўшдингиз. Муулмонлар билан яхудиёлар уртасидаги дустона муносабатлар борасида Ўзбекистон бошқа давлатлар учун урناк бўлишга лойиқ.

Сизга, делегациямиз, Ўзбекистон билан яхудиёлар уртасида тузилган дустлик жа-

мятининг меҳмонлари сифатида, Президент сайловида иштирок этиши хабарини етказишдан мамнунмиз. Делегация таркибидан бундан бир неча йил аввал Президентлар Конференцияси миссияси аъзоси сифатида Ўзбекистонга ташриф буюрган дустимиз жаноб Сэм Домб ҳам бор.

Булажак сайловда Сизга омад ёр бўлишини тилаймиз, Ўзбекистон Сиз бошлаган тараққиёт йулидан ривожланишда давом этиши учун ибодат қиламиз. Америка Қўшма Штатлари ва бутун дунё Сизнинг юртингизда ва минтақада барқарорлик сақланишидан манфаатдордир. Сизнинг матонатли ва қатъиятли ҳатти-ҳаракатларингиз экстремистик кучларга сезиларли даражада қаршилик курсатишга ёрдам берди. Ишончимиз комилки, бу борадаги сай-ҳаракатларингиз янада муваффақиятли бўлади ва Ўзбекистон халқининг тинчлиги, юртингизнинг барқарорлиги ва тараққиётига хизмат қилади.

Чуқур эҳтиром ва эзгу тилақлар билан,

Рональд ЛАУДЕР,  
Американинг етакчи яхудиё  
ташкilotлари Президентлари  
Конференцияси Раиси.  
Малкольм ХОЭНЛЕЙН,  
Раиснинг ижрочи ўринбосари.

### Кичик шарҳ

#### Меҳнатни қадрловчи Фармон

Янги йил арафасида мамлакатимиз Президентини томонидан «Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон аслида ҳақло меҳнатини узининг яшаш манбаи деб билган халқимиз учун яна бир бор ғамхўрлик тимсоли дейиш мумкин.  
Аввало Фармонда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқнинг энг катта ставкаси 45 фоиздан 40 фоизга камайирилиши бунга яққол мисол. Шунингдек, даромаддан олинadиган солиқ ставкалари иловасига ҳисоб-китоб қилинганда ҳам солиқлар ҳажми аввалги тартибдагидан анчагина камайганини сезиш мумкин. Бунинг устига мазкур илова барча учун янги меҳнатқашлар даромади ҳисоб-китобини олиб боруви ҳисобчилар учун ҳам ҳатто солиққа тортилувчининг ўзи учун ҳам ойнадек равшан қилиб курсатилган. Бу уринда турли англашилмовчиликларга ҳам чек қўйилгани табиий.

ТАХРИРИЯТ.

Президент сайлови яқинлашмоқда. Тошкент шаҳрининг Янги Камолон маҳалласида 505-сайлов участкаси жойлашган. Суратда: участка котибаси Арофат Халилова рўйхатларни кўздан кечирмоқда.

Б. РИЗОКУЛОВ олган сурат.



Луқма

## «Президент арчаси» баланддан-баланд, Қоплар тўла ўйинчоғу қанд

Янги йилни каттаю кичик орзиқиб кутамиз. Айниқса, болажонлар Янги йил байрамини мўъжиза иштиёқидида орзиқиб кутадилар. Тўғри-да, эртак қаҳрамонларнинг ҳайратомуз саргузаштлари, узоқ ўлкалардан атайин болаларни табриклаш, совға улашиш учун ташриф буюрган Қорбоноғ Қорқиз, Қорбобонинг сеҳрли ҳассаси уч бор урилиши билан чироқлари ёнадиган, турли-туман ўйинчоқлар билан безалган арчани мўъжиза демай бўладими? Ҳа, Янги йил аслида кичкинтой болажонларнинг байрами.

Бу йилги Янги йил тантаналари ҳар қачонгидан шуқулли ўтмоқда. Байрамонга кайфият, абдиатга дахлдорлик ҳисси қалбимизни анча-гача тарқ этмас керак. Болажонларимиз эса курган томошаларини сузлашдан, олган совғаларини куз-куз қилишдан ҳали туйганлари йўқ.  
Ҳар галгидек «Президент арчаси» Янги йил арафасида юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг кичкинтой аъзоларини уз атрофига йигди. Пойтахтнинг йирик санъат кошонаси - Халқлар Дустлиги саройида 1999 йил 29 декабрь куни «Президент арчаси» томошасининг навбатдаги мавсуми очилди ва бугунги кунда давом этмоқда. «Томоша» болалар театрининг кичик иктидорли актёрлари намойиш этган томоша ҳатто катталарни ҳам ашаддий томошабинга айлантириб қўйди. Арча байрамига келган болажонларнинг юзларидан ёғилиб турган бахтиёрлик, миннатдорлик нури атрофини янада ёриштириб юборди, ифтихор, гурурдан чакнаб турган мунчоқ кузлари саройнинг ҳашамли қандилларини да доғда қолдирди. «Ислом бобомизга раҳмат», «Президентга ташаккур» каби шиорларни бошлари узра баланд кутарган жажжи қўлчалар келажакда эл тинчи, равнақи, фаровонлиги учун меҳнат қилadиган забардаст билалар-

га айлангани шубҳасиз.  
- Болаларимизнинг кувончи - бизнинг бахтимиз. Ҳозирги кунда кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ҳукуматимиз томонидан курсатилadиган эътибор, ғамхўрликни кўриб шундай фаровон замонда, мусавво осмон остида яшаётганимизга шукрлар қиламан. Мен меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини асло етим деб ҳисобламайман. Бошида хурматли Юртбошимиздек паноҳи бўлган болани етим деб бўладими, - дейди 7 фарзанднинг онаси Мунира Холматова. - Бундай ғамхўрликлар шукронасига биз оналар болаларимизни ёмон иллатлардан асрашимиз, нафакат жисмонан, балки маънан етуқ, ватанпарвар инсонлар бўлиб етишишлари ҳақида қайғуришимиз керак. Чунки келажакимиз шулар қўлида.  
Бир пайтлар урф бўлган «Хамма яхши нарсалар - болаларга» шиори бугунга келиб ҳаётда ўзининг ҳақиқий исботини топмоқда. 2000 йил - «Соглом авлод йили» деб эълон қилингани ҳам шундан далolat. 1999 - Авлод йилида миллати, касб-кори, ўши ва мавқеидан қатъий назар ҳеч бир аёл эътибордан четда қолмагани, шахс ва оналик ҳуқуқини ҳимоялаб, саломатлигини муҳофазалашни кўчаитиришга эришилганини ҳисобга олсак, кириб келган 2000 - Соглом авлод йилидан келажак авлод равнақи, жисмоний ва маънавий соғлом-



## Вокзал нуфузи аравадами?

Ўйлаб кўринг, ҳар бири 5-6 кг дан келадиган 10 тача юкингни темир йўл вокзали остонасидан сиз чиқадиган вагонгача элтиб берган арава судровчиси сиздан 1500 сўм сўраса нима дердингиз?

Эсингиз жойидами, деб мени койшингизни биллиб турибман. Чунки биласиз: бола-чақасидан орттириб катта пулга янги «Нексия» олган ва бензини кейин билдик. Оғирлиги 10 килоча келадиган бир сумка ва 5-6 та елим халталар (одатда улар 3-6 кг га мулжалланган)нинг ҳар бири учун 150 сўмдан жами 1500 сўм тулайсиз, деб туриб олди. Биз эътибор бермабмиз, улар шалдираган аравага «Ҳар бир жой учун 150 сўм» деб вэзиб ҳам қўйган экан. «Бизга юқорида бошлиқлар белгилаб берган, биз план топширамиз» - дейди улар. Агар ҳар бир арава судраган битта шундай хизмати орқали 1000 сўмдан 1500 сўмгача план топширса ва бу пуллар вокзал ҳисоб рақамига етиб борса, бу араваларнинг гилдирагига тасанно, дердик. Бизнинг қистовларимиздан бунга «план» топширувчи бизга «квтанция» берди. Езуви қуйдагича: «МПС қвитанция. Сер ГГ-031 5 рублой комиссияний сбор». Эссизгина, идорамизда совет замонасидан қолган бундай қозғолар куп эди. Вокзал мазмуриятга ҳақда этсак, бирон бир қўл бола хизмат турини жорий қилишиб, одамларни алдашда фойдаланишарди. Биз нега аччиқ киноя қилишимиз? Бир вақтлар биргина Қашқадарё вилоятига унлаб вагонлардан ибо-

ларнинг шалдирак арава-сига юкларни қўйдик. Улар хизмат ҳақи ҳақида лом-мим демасдан арава-сини судраб кетишди. Бу «меҳрибончилик»нинг боисини кейин билдик. Оғирлиги 10 килоча келадиган бир сумка ва 5-6 та елим халталар (одатда улар 3-6 кг га мулжалланган)нинг ҳар бири учун 150 сўмдан жами 1500 сўм тулайсиз, деб туриб олди. Биз эътибор бермабмиз, улар шалдираган аравага «Ҳар бир жой учун 150 сўм» деб вэзиб ҳам қўйган экан. «Бизга юқорида бошлиқлар белгилаб берган, биз план топширамиз» - дейди улар. Агар ҳар бир арава судраган битта шундай хизмати орқали 1000 сўмдан 1500 сўмгача план топширса ва бу пуллар вокзал ҳисоб рақамига етиб борса, бу араваларнинг гилдирагига тасанно, дердик. Бизнинг қистовларимиздан бунга «план» топширувчи бизга «квтанция» берди. Езуви қуйдагича: «МПС қвитанция. Сер ГГ-031 5 рублой комиссияний сбор». Эссизгина, идорамизда совет замонасидан қолган бундай қозғолар куп эди. Вокзал мазмуриятга ҳақда этсак, бирон бир қўл бола хизмат турини жорий қилишиб, одамларни алдашда фойдаланишарди. Биз нега аччиқ киноя қилишимиз? Бир вақтлар биргина Қашқадарё вилоятига унлаб вагонлардан ибо-

рат поезд ҳар куни қатнади. Шунда ҳам олдиндан ҳаракат қилмасангиз урин олиш қийин эди. Вагонларда чиптасиз йўловчилар тикилиб кетар эди. Ҳозир эса билишимизча 4 та (агар бундан ортиқ бўлса уэр сураймиз) вагон. Шунда ҳам бундай жойлар мул. Ҳўш, вилоятлардан Тошкентга қатновчи йўловчилар камайиб кетдимми? Йўқ, аксинча, йўловчилар сони ўн марта лаб кўпайган. Йўловчилар ҳам арзон, ҳам қулай бўлган транспортлардан фойдаланишмоқда. Ҳа, яна такрор бўлса-да, айтаман: «Шимоллий вокзал»да арава судровчиси юкин 50 метрга элтиб беришига сураган пулга «Тошкент отчопари»да автобуслар вилоятгача уша юк билан эгасини қўшиб олиб бориб қўяди. Улар фақат уз шахсий ҳисобидан автобус сотиб олишган, бензинга ва эҳтиёт қисмлар-

га қанча харажат кетади. Қолаверса, туну кун меҳнатнинг баҳоси бу. Ҳўш, гилдирагини мойлашга ҳам кўнрт қилмай одамларнинг гашига тегиб шалдираган араванинг харажати қанча? Наҳотки, шу арава судровчиларга ишониб, бутун катта вокзал нуфузига пугур етаётганлигини, йўловчилар поезддан бошқа транспортни ало кураётганини вокзал маъмурияти сезишмаётган бўлса?  
Балки замона зайлига қараб иқтисодий йўналишининг янги қирраларини ўйлаб топиш, алмисоқдан қолган арава судрашнинг кенг жорий қилиш урнига поездлар хизматини яхшилаш эвазига пул топиш вокзал мавқеига тўғри келар?! Йўқса... хуллас, аравада узоққа бориб бўлмайди.  
ЧАҚҚОН муҳбир.

**MAHALLA**  
Ўзбекистон "МАНАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат матбуот қўмитасида  
00123-рақам билан рўйхатга  
олинган.

Ташрифт мананли:  
Тошкент,  
Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй, 622, 635-хоналар.

Нашр кўрсаткичи: 148  
Ҳомий:  
«Матбуот тарқатувчи»  
ҳиссдорлик жамияти

Хатлар учун:  
700011, Тошкент-11, а/қ 7168

Телефонлар:  
Хатлар бўлими: 136-57-62,  
масъул котиб 144-34-24  
ижодий бўлимлар— 144-23-90,  
Қабулхона — 144-23-34,  
133-39-89.

Мақола ва хабарлар  
маъмуни, факт ва рақамлар  
учун муаллифлар  
масъулдилар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Азиз «Mahalla» муштарийлари!  
Газетамиз 2000 йилнинг  
бошидан бошлаб ҳафтанинг  
чоршанба куни чиқади.

Биз Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаймиз

ТИЛ БИЛАН ДИЛ БИРЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳаётда турли хил одамларга дуч келамиз, суҳбатлашамиз, мулоқотга киришамиз. Аксари одамларнинг гап-сузларидан, энг баркамол ва фидойи инсонлар деб ўйлашимиз ҳам мумкин, лекин амалда-чи, айтишининг ҳолати йўқ. Ҳар қандай эзгулик ва гузалликни уч пулга сотиб, сувдан қуруқ чиқиб қараб тураверадилар.

Яқинда уч-тўрт нафар тенгқурлар билан кутилмаганда бир ерда учрашиб қолдик. Суҳбатимиз кизигандан кизиди, истиқлол берган неъматларни бирма бир санаб қалбимиз ифтихор ҳислатларига тўлди, шу кунларни куришга муяссар бўлганимиздан чин юракдан севиниб, тангрига шукроналар айтдик. Суҳбатда ҳаётимиздаги айрим қусурли жиҳатлар ҳам четда қолмади. Шунда кетдик, бир аппарат кашф этилса-ю, одамларнинг юрагига қуйиш билан дарҳол ким ва қандай инсонлигини ажрим қилиб берса деб қолди. Унинг фикри ҳаммага маъқул бўлди. Жуда антиқа иш буларди-ку, - дейишди. Лекин инсон боласи учун

бундай аппарат ихтиро этилишини кутиб утириш қулғили бўлур эди! Ахир унинг ҳар қандай муаммо ва мушкулотни ҳал этишга қодир ақл ва тафаккур чироғи бор-ку!

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг хавфсизлигини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилиш ҳар бир фуқарони муқаддас бурчдир. Буниг учун ҳар биримизнинг, хусусан, раҳбарларнинг тили билан дили бир бўлиши, зарурат туғилганда барчани сафарбар этиш салоҳиятига эга бўлиб, шахсий намуна курсата олиши зарур. Уларнинг ибратига қўйиб кўришга қараб қатъият билан ишга кириш. Менинг учун халқим омонлиги бахтим ва бойлигим! Темури бобоимиз таъкидлаганидек, бебош давлат - жонсиз мурда. Бошлиққа қўйиб нарса боғлиқ...

Уз халқига нисбатан меҳр-садоқат, зиммага юклатилган улкан вазифага нақадар масъулият билан қараш ва уни сузсиз амалга оширишни Юртбошимиздан ургансак арзийди. Халқ уртасида обрў-этибори, нуфузи кун сайин ошиб бораётгани боиси

билиб, қўриб, шоҳиди бўлиб турибдики ва бунга халқнинг уз бандаси ҳам бор. Ислом Каримов қандай қилиб бўлмасин истиқлол берган неъматларни асраб-авайлаш ва уларни қўпайтириш, мустақиллигини мустаҳкамлаш гамини ейти ҳамда шу билан нафас олади. Бу унинг уз зиммасидаги юксак масъулиятни чуқур ва атрофида англаш, ҳис этишдан далолат беради. Мана унинг кечагина халққа қарата айтган сузларига беринг-а: «Раҳбар бўлдингми, масъулиятни уз бўйинингга ол; раҳбар бўлдингми, халқингни эҳтиёт қил, унинг эҳтиёжларини аниқ бил ва шунга қараб қатъият билан ишга кириш. Менинг учун халқим омонлиги бахтим ва бойлигим! Темури бобоимиз таъкидлаганидек, бебош давлат - жонсиз мурда. Бошлиққа қўйиб нарса боғлиқ...»

Уз халқига нисбатан меҳр-садоқат, зиммага юклатилган улкан вазифага нақадар масъулият билан қараш ва уни сузсиз амалга оширишни Юртбошимиздан ургансак арзийди. Халқ уртасида обрў-этибори, нуфузи кун сайин ошиб бораётгани боиси

ҳам шунда-да! У ҳалол ва виждони пок, ҳамма нарсадан эгул халқ, давлат манфаатини устун қўйиб фаолият курсатаётгани учун ҳам одамлар кузига тик боқадди, ҳақдирасиш, чўчиш нима эҳалигини билмайдди.

Бир сўзлилик - тил билан дил бирлиги, ҳалоллик ва ҳақгўйлик, қатъиятлик ва талабчанлик инсонни, хусусан раҳбарни безайди, салоҳиятини сарбаланд қилади, обрусини яна оширади. Бундай раҳбарнамо ҳеч қачон эл-юрт назаридан қолмай ҳаммиша жонажон халқини янгидан - янги марралар сари бошлайверади. Президент сайловига ҳам санокли кунлар қолди. Бу кун, шубҳасиз, чинакам халқ шодийнасига айланади ва ҳамма яқдил бўлиб муҳтарам Ислом Каримов номзодини ёқлаб шоду хушрамлик билан овоз беради.

Ҳеч кимни ҳеч қачон асл одамийлик, гузал инсоний хулқ, фазилатлар тарқатмасин. Юртимиз тинч, халқимиз роҳат-фароғатда яшасин. Тилимиз билан дилимиз бир, иймонимиз бақувват бўлсин!

Мели НОРМАТОВ, ёзувчи, адабиётшунос олим.

Комила ДРАБАХО

Самарқанд

Юртга бош бўлса арзийди

Мустақиллик шарофати билан юртимизда барча соҳаларда яхши ўзгаришлар, савоб ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларга юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бошқўш бўляптилар. Мен 83 ёшга кириб ҳали бунчалик халқпарвар, элга қайшадиган Юртбошимизни кўрганим йўқ. У киши ҳар бир ишни биз - фуқароларнинг манфаатимизни ўйлаб қиладилар. Кўпмиллатли халқимизни ҳамжиҳатликда яшашга ундайдилар. Шунинг учун биз ҳам Юрт-


бошимизнинг ҳар бир даъватларига «лаббай» деб жавоб берамиз. Мени айниқса у кишининг Фармонлари билан маҳаллалар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани кувонтиради. Мен яшаётган «Дустлик» маҳалласи ҳам Каттакўрган шаҳрининг энг гуллаган, олди маҳаллаларидан. Бунда маҳалла оқсоқоли Сайфулло Назаровнинг хизмати катта. 5 декабрдаги Республика Олий Мажлисига депутатлар сайловини утказгунча ҳам

тиним йилмади. Сайловлар оди бўлди. Халқ узи муносиб деб билган номзодларни танлаб сайлади. Мана олдинда яна сайлов. Шахсан мен Ислом Абдуғаниевич Каримовни Президентликка муносиб деб биламан. Халқимиз шундай улғу ишларга қандаётган, ёшлар камоли, эл манфаати учун жондан айланган бундай ҳақиқий эл фарзандига узоқ умр тилаб дуо қилман ва шундай ёруғ кунларни қўйиб насиб бўлганига шукрлар айтаман.

Бўйро

Фуқаролар йиғинида

Ғиждуво шаҳридаги «Шарк» маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб қолган «Поэзари» кишлоқ фуқаролар йиғининг бошиқ биносини таъмирлаб унга қўйиб ўтди. Яқинда бу ерда фуқароларнинг сайлови олди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайлови кутаринки руҳ-демократик тарзда ўтказиш хусусида гап борди. Маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Усмо Бозоров аҳолини 9 январь - Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини Ўзбекистоннинг дунёга танитишда бекибс ҳисса қўшган Ислом Каримов учун овоз беришга чақирди.



Мазасини кўрай-чи

Яхшилар

БИР УМР НУР ТАРАТГАН ОДАМ

Уни Россия музларида музлаб қолганга чиқаришиб, кўмиб юборишмоқчи бўлишганди. Аммо умри узоқ экан, яна шунча хайрли ишлар қилишга эришди.

Бешёғоч даҳасида Нажмиддин оқсоқолни ҳамма биларди. Ҳурматини жойига қўйишарди. Оқсоқол угли Журабойни ёшлиқдан элнинг қорига ярайдиган, меҳнатдан қочмайдиган қилиб тарбиялади.

Уруш бошланди-ю, Журабойнинг ҳам тинчи бўлиб қолди. Шаҳарга кўчириб келтирилган заводларнинг бирига шогирдликка ишга кирди. Қўли ишга анча келиб қолганда уни фронт оқсидидаги юмушларни бажаришга сафарбар қилишиб «рабочий батальон»га қўшиб Вологда вилоятига жўнатишди. Россиянинг қарағайзорларида қарағай кесган Оқпошшо давридаги марди-

корлардан кура юз бораблар азов уқубат билан меҳнат қилган Журабойни бир кун 60 қўлдусли соғуқта музлаб қолганга чиқариб кўмиб юборишларига оз қолди. Унинг сал нафас олаётганини сезиб қўлишиб бир амаллаб «эри-тиб» олишди.

«Рабочий батальон»да қилмаган ишим қолмади. Ҳатто саёврилиқни ҳам ушлаштириб олдим, бинойидек электр механик бўлиб, айниқса менга мантёрлик оқсиди.

Шу тариқа эсон-омон юртига қайтган Журабой Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида маҳалла-қўйга нур олиб келади-ю «Жура монтер»га айланди. Маҳалла кучаларига симёғоч

урнатиш, сим тортиш, хоналарга электр чирогини урнатишда устаси фаранг бўлган Жура ака Тошкент шаҳридаги электр тармоқлари идорасида тажрибали электрчи сифатида иш бошлади.

Тошкент зилзласи оқибатида вайрон бўлган ота кулбасини ноилоҳ тарқ этиб, Роҳат қўли атрофидаги қарқаб ётган яйдок жойга қўйиб келди. Янгибоддаги 12 та Маҳалланинг бирорта кўчаси ёрилмай қолса ўша жойда Жура ака ҳозир нозир бўлди. Жура ака туғрисида гап кетса, у кишининг билмаган хўнари йўқ дейишарди. «Жура ошпаз», «Жура монтер», «Уста Жура».

— Жура отанинг барча қилган ишлари, амаллари ибратли, бу киши савоб иш қилиш учун туғилган, - дейди Тошкент шаҳар масжид Имом Хатиблари Кенгаши раиси Анвар хожи Турсунов, - менинг ёшим 80 дан ошиб қолди демайди. Узининг нафақа пулларидан сотиб олган лампочкаларни кутариб олиб, куча ёриткичлари қўйиб қолса, уларни алмаштириб юради. Одамларнинг айтишича, Жура ака яқинда уз ўғилларини ёнига олиб «Чилон Ота» масжидининг ёнидаги қабристон атрофида симёғоч урнатиб, унга ёриткичлар осиб қабристонни чарогон қилиб қўйибди.

Неъматжон ҲАСАНОВ.

Муносабат

Наманган гузарлари

Қадимдан гузарлар маҳалла аҳлининг сеvimли маскани бўлиб келган. Бу ҳақда «Маҳалла» ўз вақтида муаммо кўтараётти, деб ўйлаймиз.

Ҳозирда Наманганда фаолият курсатаётган Сумалак, Атланган гузар, Орифбой гузари каби унлаб, юзлаб гузарлар борки, моҳиятан қадимий, шаклан замонавий тарзда бунёд этилган бу масканлар ҳамон маҳалла аҳлининг оғирини энгил қилмоқда.

Эътиборга молиқ томони шундаки, Наманган гузарларининг асосий қисми маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига берилган. Демак топилаётган маблаг маҳалла ҳисоб рақамига тушиб, бу пул маҳалла ободончилиги, кам таъминланган, ерданга муҳтож, кўп болали оилаларни ҳимоя қилиш ва бошқа хайрли ишларга сарфланмоқда. Гузарлар қарамоғида ташкил этилган кичик-кичик бозорлар эса аҳолига хизмат қилмоқда.

— Маҳалламиз аҳли илгари туй ва тантаналарни туманимиз худудидида жойлашган «Садо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Садо» ресторанида утказарди, - дейди Давлатобод туманидаги «Янги тонг» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Орипов. - Утган йили маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий бинога ва гузарга эга бўлган, ортиқча харажатларга урин қолмади. Эндиликда туй - тантаналар шу ерда утказилапти. Бу Президентимизнинг туй-ҳашамларни дабдаларсиз утказиш ҳақидаги Фармойишига амалий жавоб бўлиш билан бирга, туйларда меъёрларни назорат қилиш имконини беряпти.

Тўлқинбой ОМАЛЛАЕВ, «Маҳалла» жамғармаси Наманган вилоят бўлими раиси муовини.



Қорбобо «Президент арчаси» совғаларини тарқатишда ҳар йилгидан кўра фаол.

Аҳиллигимиз - катта бойлигимиз

Ҳозирги утиш даврида иқтисодий таъчиллик сезмаган киши бўлмас керак. Аммо қадим-қадимдан ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган миллий урф-одатларимиз, аъналаримиз мавжуд экан, ҳеч кимнинг юки ерда қолмайди. Ҳаммиша бир нарсани кўнглимиз тулиб, қаноат ҳосил қиламизки, маҳаллаларимиз - бизнинг аҳиллигимиз, аҳиллигимиз эса катта бойлигимиз.

Одамларнинг бир-бирларидан хабар олиб туришлари, туй, маъракаларда кўпчилиқнинг шайлиниб хизмат қилишлари, ҳар қандай шайнинг ҳам ёлғиз қолмаслигимиз - бу маҳалланинг қудратидан. Маҳалласиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Ана шу миллийликни, шарқона урф-одатларимизни, узаро меҳр-оқибатни маҳкам тутиб келатган маҳаллагина доғда қолмайди.

Бокучисидан ажралган кишиларга, етим-есирлар ва бева-бечораларга беминнат ёрдам курсатиш - беҳад савобли иш. Маҳаллаларда саҳий, қўли очик, ҳаммага қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиладиган кишилар оз эмас. «Қашқадарё китобсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг бошлиғи Шавкат Бекмуродов ана шундай инсонлардан бири. У одамлар учун елб-югуриб, қўлидан ёратиб, мушкулни энгил қилиш йўлида қўлидан келганча ҳолисона хизматни аямийдиган инсон. Шавкат Бекмуродов Қарши шаҳрининг «Худойод» маҳалласида яшовчи ёлғиз она Ҳикоят Рузиеваннинг тўрт фарзандига 4000 сумлик ўқув қуролларини ҳадя қилди.

Қосонлик Аҳмад хожи Насриддинов, Эргаш Мавлонов, қаршилик Самад Насруллоев, Тура Мансуров, Зокир Қилчиев, Норул Мустафакўлова, гузорлик Зулфия Тураева каби саҳий қалб эгалари доимо хайрли ишларнинг бошида буладилар.

Қосон шаҳридаги «Роҳат» хусусий чойхонасининг мудири Аҳмад хожи Насриддинов истараси иссиқ, бағри кенг, имон-эҳтиқодли, меҳр-шафқатли, савобли инсон. У оиласига етадиган маблагдан ташқари даромадини маҳалла ободончилигига, камхарж оилаларни ижтимоий ҳимоялашга, уларнинг фарзандларини суннат тўйларига сарфлашга, ёрдам сураб келганларга имконияти борича марҳаматини аямаяпти. Аҳмад хожининг келгусидаги ниёти ўзи яшаётган «Янгибод» маҳалласида аҳоли учун қўлай шарт шарт этириш мақсадида шифохона қўриб бериш.

«Мансур ота» чойхонасининг мудири Тура ака Мансуров камхарж оилалардан ўз ёрдамини аямаяпти. У маҳалладаги камхарж оилаларни чойхона ишига жалб қилиб, уларнинг моддий ҳаётини яхшилашга, оғирини энгил қилишга уринапти. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ҳар байрам арафасида хатна тўйини утказиб, туй болаларнинг ҳар бирига омонат дафтари-чиси очиб, холи-қудрат пул қўйиб берапти.

Ён-ёригинида саховатли, меҳр-муруватли кишилар бор экан, қадлингни кериб яшай оласан. Шундай замонашлар қадимий ўзбекона одатларини унутмаган аҳли мўминлар орасида яшашдек бахтни насиб этганидан шукроналар айтаман ва муруватли саҳий қалб эгалари сафи қўпайверсин деймиз.

Тўйчи хожи ХАЙДАРОВ, «Маҳалла» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раисининг ўринбосари.

2000 йил — Соғлом авлод йили

Аёллар йили тугади, аммо аёлга эҳтиром давом этади

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Озода опа Сотволдиева янги - 2000 йилни Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинганлигига ана шундай самимий дил сўзлари билан муносабат билдирди.

Истиқлолнинг ҳар бир йили республикамиз тарихида узига хос ном билан муҳрланмоқда, - дейди Озода опа. - Утган 1999 йилимиз аёлларни эъзозлашга бағишланди. Шу маънода, март ойида оғир меҳнат шариоитларида ишлаётган аёлларни солиққа тортишда унинг микдори 20 фоиздан оширмаслик туғрисидаги Президент Фармони эсланиш жоиз деб ҳисоблайман. Шунингдек, аёллар йили муносабати билан мамлакатимизда кенг қамровли дастур қабул қилинди. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси аёлларимизнинг жамиятдаги мавқеини кутаришга хизмат қилди. Шунингдек, аёллар йили, оила йили, аёллар йили, соғлом авлод йили, деб узига хос номланаётган ҳар бир йилимиз бир-бири билан изчил боғлиқ турибди. Мухими, бунинг тағ-замирида инсонни, оилани, аёлни ва келажак авлодларни эъзозлаш, шулар баробарида жамиятнинг барча қатламларига эътиборни қаратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ётибди.

Утган йилдан қоник-дингизми? Эсда қоларли воқеа сифатида қандай саналарни қайд

этишни истардингиз? - 1999 йил тарихий воқеаларга бой бўлди. Улардан энг асосийси, яқинда утказилган Олий Мажлисга сайловлар ҳисобланади. Бу сайловлар жуда адолатли, демократик руҳда ўтди. Тошкент шаҳар Минор сайлов участкасида комиссия аъзоси сифатида иштирок этиб, шахсан ўзим бунга гувоҳ бўлдим. Амин бўлдимки, мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сивасат халқимизни бефарқ қолдирмаяпти. Фуқароларнинг ниҳоятда фаоллашгани, эртанги кунга умид билан боқаятиганида бунини қўриб турибмиз.

Кейинги пайтда нотариат тизимидаги муҳим янгиликлардан бири нил, аёллар йили, соғлом авлод йили, деб узига хос номланаётган ҳар бир йилимиз бир-бири билан изчил боғлиқ турибди. Мухими, бунинг тағ-замирида инсонни, оилани, аёлни ва келажак авлодларни эъзозлаш, шулар баробарида жамиятнинг барча қатламларига эътиборни қаратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ётибди.

Соғлом авлод учун кўчатлар

Юртбошимиз ишбу «Соғлом авлод йили»да ҳар бир янги туғилган чақалоқ учун бир кўчат ўтқазайлик, дедилар

«Соғлом авлод йили» Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кура қулчи, билимли, доно ва абабатта бахтли бўлишлари шарт» деган эзгу орзуларини рўйбга чиқаришда янги босқич бўлишига қатъий ишонамиз, - дейди Янгибозор кишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқолларидан бири Нуриддин бобо Кенжаев. У киши бир неча йилдан бери Пешку туман марказидаги «Истироҳат боғи»га боғбонлик ҳам қилиб келади. Отахон қўни-кеча маҳалла ариғи-

ни таъмирлаш учун ҳашарга чиққан қўни-қўшинлар уртасига бир тақлиф ташлади. — Юртбошимиз келгуси йил - Соғлом авлод йили бўлсин, ҳар бир янги туғилган чақалоқ учун бир кўчат ўтқазайлик, дедилар. Юртбошимиз тақлифини қўллаб-қувватлайлик. Мана шу ариқ бўйига мен ўзимнинг ҳар бир набирман учун биттадан кўчат ўтқазаман...

Бундан руҳланган 20 нафардан ортиқ кекса авлод вакиллари ҳам шу қўни

ариқ бўйига ўз ҳовилларида устирган мевали дарахтлар нўқолидан олиб чиқиб ўтқаздилар. — Янгибозорлик отахонларнинг ибратли ишини туманимизга ёямиз, - дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Жаҳон бобо Жамолов. Набиралар улғайгач, боболари улар номига экан дарахтларни гурур билан асраб-авайлашади, бу яхши аънаа булади.

Абдухалил ПРИМОВ, «Маҳалла» муҳбири.

Муштарий кўмак кутади

# ДУРДОНАГА АРАВАЧА БЎЛСАЙДИ...

Хурматли таҳририят ходимлари!  
Анча-мунча жойларга мурожаат қилиб, бирон-нажот топа олмаганимдан сўнг сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Гап шундаки, менинг 10 ёшли ногирон фарзандим тўғилганидан бери на юролади ва на гапиролари - фақат бир жойда ётади. Биз унинг учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз, лекин Дурдона улғайган сари уни кўтариб юриш ҳам қийинлашаяпти. Одамларнинг айтишларича, ногиронлар аравачаси бўлса, мушкулми анча энгиллашар, Дурдона учун ҳам очик ҳавода кўпроқ бўлиши, олам билан юз кўришига имкон туғилар экан. Буни эшитиб, 1996 йили ўзимиз яшайдиган Чуст тумани ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилдик. Лекин бирон натижа топмадик.

Шундан кейин 1998 йили ёрдам сўраб «Саховат» журнали таҳририятига мурожаат қилдик. Таҳририят хати билан Наманган вилояти ижтимоий таъминот бўлими ходимлари туманимиз ижтимоий таъминот бўлимига келиб, шу ерда аҳволимизни кўриб, «вазирлик аравача ажратса, сизларга шуни берамиз», деган мазмунда хат билан жавоб беришди. Аммо ҳануз ҳеч нарсадан дарак йўқ.

Мен ушбу хат билан ҳаммани ёмонлиққа чиқармоқчи эмасман. Атрофимдагилардан хурсандиман. Мен ишлаб турган Баймоқ қишлоқ хўжалик корхонаси ҳам, биз яшаб турган Баймоқ фуқаролар йиғини ҳам, қолаверса, Баймоқ қишлоқ шифохонаси ходимлари ҳам кўлларидан келганини аямай қилишаяпти. Улардан миннатдоримиз. Лекин начора, қизимиз учун энг биринчи зарурият - ногиронлар аравачаси. Бизга нажот қўлини узатувчи мутасадди ташкилот топилишида ёрдам беришларини ўттини сўрадик.

**МАНЗИЛ:** 717206, Наманган вилояти, Чуст тумани, Баймоқ қишлоғи - Ю.Раҳимовлар оила-си.

**Юнусжон РАҲИМОВ,**  
Чуст тумани, Баймоқ қишлоғи.

Қариндошлар

# ҚОНДОШЛИККА «СОЯ» СОЛГАН ЁНҒОҚ

**Инсон боласи дунёга келар экан ҳаёт мактабида кўрган билганлари, аниқроғи ўрганганлари асосида ўз ортидан яхшии ёмонни из қолдиради**

Турмушнинг арзимангир икир-чикирлари дўстлар, қўшнлар, ҳатто қариндошлар уртасига совуқлик солиши афсусли, учраб туради. Ҳакамлик қилиш ниятимиз йўқлигини олдиндан айтган ҳолда юз берган воқеани эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Тоға ва жияни бемалол яқин қариндош дейиш мумкин. Устига устак улар девор дармиён қўшни бўлсалар. Жомбой туманидаги «Галатепа» маҳалласида ёнма-ёнма ҳовлиларда тоға-жиян қўшн бўлиб истиқомат қилишади. Қариндош бўлгандан кейин бир-бирининг яхши-ёмон кўнига, иссиқ-совуқга яраб туриши табиий. Тоға-жияннинг «довруғини ёйган хангомага эса бор-йўғи... бир тўп ёнғоқ (узи ҳам эмас, сояси) сабабчи бўлди. Тоғаникидаги ёнғоқ жиянникига шох ташлаб, томорқадаги экинга соя солиди. «Ёнғоқнинг соясида экимин бит-маяпти, уни кесиб ташлайсиз» дейди жиян тоғага. «Майли, лекин ҳозир авжи мева туккан пайти,

увол бўлмасин. Пишса, болаларининг ҳам оғзи тегади, кейин кесаман» дебди тоға. Аммо қайсар жиян сузида қатъий туриб олибди. Бу тортишув каттақон можарога айлангач, маҳалланинг улўғлари уртага тушадилар. Яраштириш гуруҳи ҳар қанча уринмасин тоға-жиянни келиштиролмайдилар. Қайтанга жиян «шоввоз» «кесмаса, судга бераман»га утиб олади. Начора, кўпчилик бўлиб, тоғани ёнғоқнинг бир шохини кесиб ташлашга кўнрадилар. Тоға меванинг увол бўлганига ачина-ачина ёнғоқнинг жиянининг томорқасига соя ташлаган шохини кесиб ташлабди... Биз эса бу воқеани эшитиб мевадан ҳам арзимангир сабаб туфайли чурт узилган қондошлик риштасига кўпроқ ачиндик. Эшитган қўлоққа яхши бўлмасам ҳам, балки бирон кимса учун сабоқ бўлар, деган истиқолада бу ачинарли хангомадан сизни воқиф этдик.

**Шухрат ҚАРШИЕВ,**  
«Mahalla» мухбири.

# МУШТАРИЙ МУШТАРИЙ МУШТАРИЙ...

**ШАМОЛ.** Ибн Сиррийн раҳматиллоҳи алайҳ айтибдурларким, кучли шамол, айниқса, дарактларни илдизи билан кўпориб, бошқа вайронликларни келтирувчи бўрон юкумли касалликлар эпидемиясидан дарак беради.

Имом Кирмоний ҳазратлари таъбирича, иссиқ шамол шамоллашдан, совуқ шамол эса-асаб хасталигидан хабар беради. Урта миёна шамол саломатлик ва муваффақият даракчисидир. Мабодо тушингизда сизни шамол учириб юрса, сиз узоқ сафарга чиқасиз ҳамда юксак мартаба ва иззат-ҳурматга сазовор бўласиз.

Имом Жобир Мағрибий раҳматиллоҳи алайҳ айтидиларки, сизни осмонни фалакка кўтарган кучли шамол сизнинг яқин орада кунингиз битишининг, аксинча сизни осмонни фалакдан ерга олиб тушган шамол хасталикдан кейин сизнинг соғайиб кетишингиздан далолатдир. **ШОХ.** (даракт шох). Ибн Сиррийн раҳматиллоҳи алайҳ таъбирларига кўра, шохлар - туш кўрувчининг ака-укалари, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ишоратдир. Калин ўсиб кетган шохлар қариндош-уруғлар кўпчилигини ва яқин орада яна оилада янги меҳмон пайдо бўлишининг белгисидир. Кам ва нимжон шохлар бунинг аксини билдиради. Ўзингиз эккан дарактдаги қуриб қолган шох яқин кишинингизнинг вафотидан, биронинг дарактдаги қуриган шох эса дўстларингиз оила-сидаги йўқотишдан дарак беради.

Имом Жобир Мағрибий ҳазратлари, нордон мевали даракт шохини тухфа сифатида олишингиз, тухфа қилувчи томонидан сизга етadиган ташвишлар ва бесаранжомлик аломатидир.

Имом Кирмоний раҳматиллоҳи алайҳ айтидиларки, агар тушингизда сизга мевали даракт шохини беришса, ўнгингизда уйингизда чақалоқ дунёга келади. Шохдаги мевани олиб ейиш - фарзандларин-

гиз ўз тоғанларини сиз билан баҳам қўришларини билдиради. **ПОРТЛАШ, ЯРАҚЛАШ.** Тушдаги портлаш кимнингдир мақри, мунофиқлигидан сизни хабардор қилади. Нурнинг ярақлаб кетиши ҳам алдовдан хабар беради. Қаҳ-қаҳ уриб кулиш ҳам таъбингиз тирриқ бўлишидан далолатдир. (Француз таъбирномаси)

Портлашларни кўриш - атрофингиздаги кишиларнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари сизни ранжитишидан далолатдир. Ишларингиз ҳам орқага кетади.

Тутун ва портлашдан ҳосил бўлган парчаларни кўриш ишдаги омадсизлик аломати. Бундай туш кўрган ёш қизлар бегона эркаклар билан мулоқотда айниқса эҳтиёткор бўлишлари керак. (Г.Х.Миллер)

**ШАРОБ.** Ибн Сиррийн раҳматиллоҳи алайҳ айтишларича, шароб ҳақидаги туш ҳаром йўл билан топилган мол-мулк сифатида талқин этилади. Ўткир шаробдан маст бўлиш хавф-хатар ва катта ташвишлардан огоҳлантиради. Ширин шароб ичиш муваффақият, узоқ умр ва ўйин-кулгидан дарак беради. Аччиқ ёки нордон шароб фам-кулфат аломати.

Имом Жобир Мағрибий ҳазратлари айтидиларки, кучайтирилган шаробдан маст бўлиш бойликнинг камайишига ишоратдир. Сув аралаштирилган шароб сизнинг мол-мулкнингизнинг бир қисми ҳалол йўл билан ва яна бир қисми ҳаромдан топилганидан далолатдир. Ушбу туш хотин ҳисобига бойиб кетишингиздан дарак беради, деган тахминлар ҳам бор.

Имом Кирмоний раҳматиллоҳи алайҳ таъбирларига кўра, сув ўрнига ароқ оқаётган ариқда чўмилиш сиз кимнингдир макр-хийла-си ва хусуматларига дучор бўлишингиздан хабардор қилади.

**Муҳтабар АҲМЕДОВА**  
тайёрлади.

Холхўжа МИРЗАЕВ.

Тарих ва тақдирлар

# «...Зуғум қилганларнинг юзлари қаро бўлди»

**«Ҳаммага яхшилик қилишга ҳаракат қиламан, ҳатто душманимга ҳам» деб қолди суҳбатдошим янгийўллик Лазокат опа Қайюмова. Ҳайрон бўлганимни сезгач, изоҳ берди: «Кимки менга, оиламга ёмонлик қилса, худога соламан. Авлодимиз тарихига назар ташласам тўғри йўл тутганимга амин бўламан. Оиламизга, қолаверса, халқимизга зуғум қилганларнинг юзлари қаро бўлди».**

- Нега буларни гапиряпсиз?

- Биласизми, бу ҳақда шу пайтгача ҳеч кимга ёрилмагандим. Мамлакатимиз мустақилликка эришгани, Президентимизнинг Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган фидойи инсонлар хотирасини абадийлаштириш, улар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш буйича Фармони чиқарилганидан буён ўпкам тўлиб юрарди (кўзларига ёш келди). Отам божқўшининг бошига тушган кўргуликларни Сизга бир бошдан айтгудек бўлсам тоғинг отмайди. 50-йилларнинг охирида оламдан ўтган отам ёшлигимда кўп насихат қилардилар. «Авлодимизга ярашарлик иш қил, унга иснод келтирма» деб тайинлардилар. Шунда улар яна ниманидир айтмоқчи бўлардилару, лекин аллақандай куч тўхтатиб қолаётганини сезардим. Сўрашга эса ботина олмадим. Улғайдим, болачақали бўлдим. Турмушнинг биласиз, кувончи ҳам, ташвиши ҳам бор. Ташвиш тушса, отамга маслаҳат солардим. Отам йўл-йўриқ кўрсатгач одатдагидек юқоридаги сўзни такрорлаб кўярдилар. Бир кун юрак ютиб бунинг боисини суриштирдим.

Отам ўйладди, сўнг салмоқлаб гап бошлади: «Энди болам, сен кичкина эмассан. Ақл-хушиңг жойида, ҳар бир сўзни айтишдан аввал қалбинг тарозисига кўясан. Айтсан бўладиган бир сир бор. Сир авлоду аждодимиз ҳақида. Сен ва мен Уратепа беги Отабек додхонинг авлодиданми. Мен додхонинг набирасиман. Буни менга кўриб Абдурахмонбек айтган. Буни тасдиқлайдиган «Санайи шажарамиз» бор эди. Афсуслар...» Отам шу ерга етганда кўзлари намланди.

Ўзларини тутиб олган яна сўзларида давом этдилар.

...Тошкент қўлдан кетгач, навбат Қўқонга келди. Қўқон хони Худойрхон чор хукумати қўшинига бас келолмади. Хонлиқнинг Уратепа беги Отабек додхонинг бошчилигида босқинчиларга қарши курашди. Кучлар теңг эмасди. Беклик тугатилди, Уратепа шаҳри талон-тароқ қилинди. Қаршилик кўрсатиб қўлга тушганлар жазоланди. Гултепада Отабек додхо дорга осилди. Ўғли Абдурахмонбек Петроградга олиб кетилди. Аллақиса гимназияда темирйўлчилик касбини эгаллаган, бир неча тилини ўрганган. Туркиё темир йўл қурилишларида қатнашган, кўп йил тилмочлик қилган. Отам руслар қўлида тарбияланган, ишлаган бўлса-да, ўзбекликни қўлди. Беш вақт намазни қанда қилмади. Эл-улусга имкони борича ёрдамини аямаган. Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, халқимиз ёмғирдан қутулиб қимиз тутилганини кўриб юраги кўтар олмади.

Тилини, хатини билганим учун шўролар хизматга олишди. Большевиклар илдизи отиб бўлгач, ердилар пайини қирқинишга тушди. Мени ҳам тинч қўйишмади. Нурмат (исми ўзгартирилган - Х.М.) деган киши бўларди. Шу уларнинг одами экан. Буни кейин англадим. Аслида уни ўғри, наشاءндлар орасидан одам қиламан, савоб бўлади-ку деган ниятда олиб чиққандим. Негаки, хат-саводи бор эди. Соддалигимдан ҳаммани ўзимга ўхшатганман. Оласи ичиди, илон ёғини ялашдан тоймайдиган одамлар борлигини хаёлимга ҳам келтирмабман. Қисқаси, Тошкент вилоятида масъул вази-фада ишлаганимда котибим Нурматга ишонганман.

Йил ўтган сайин оиламиз бошини қора булут чулғай бошлади. 30-йиллар бошида ўлкамизда колхозлаштириш авж олиб кетди. Билсанг болам, бунга кўплар норозилик билдирди. Мен ҳам қувватлаганим йўқ. Советларга бўлган қарашларимнинг барчасини Нурмат юқорига илдиз-игнасигача етказиб турган. Кўп ўтмай қама-қама бошланиб кетди. Қулоқ қилиниб, сургун қилинганлар кўп бўлган. Бугун-эрта мени ҳам қамоққа олишлари мумкин, шуни ўйлаб қочиб таралдуғига тушдим. Авлодимизга тегишли «Санайи шажара»ни кўрдим. Яхши, садоқатли ва ҳар қандай шароитда ҳам имонини сотмайдиган инсонлар ўша пайтда ҳам бор эди. Шундайлардан бири: «Бек, қочинг, гал сизга ҳам келди» деб вақтида оғохландирди. Қўлимга илинганини олиб онанг Барчиной (Барчиной опа ҳозир ҳаётлар, 95 ёшда қоралганлар - Х.М.) билан Тошкентдан чиқиб кетдик. Йўлга тушишдан олдин «Санайи шажарани олдин» Нам жойда бир ойча ётганидан териға ёзилган «Санайи шажара»даги ёзувлар ўқиб бўлмайдиган ҳолга келибди. Кўриб шундай хўрлигим келдики, асти қўяверсан, болам. Онанг билан борманган жойимиз қолмади. Тожикистондаги темир йўл қурилишида, Шахристон довоинда, Зирабулоқдаги жомоа хўжалигида ишладим. Сталин ўлғач Янгийўлдаги ёр-биродарларим йўқлаб ёр-йўл. У пайтда Боб-вутда яшардик. Қисқаси, келганлар замон ачина умшади, биз томонга боринг, кўплашиб уй-жой қуриб берамиз, деб айтишди. Бир аравага етар-етмас кўч-кўрон билан қайтдик.

- Нурмат деган котибингизни бошқа кўрмдигизми?

Ушанда отам саволимга шундай жавоб бердилар.

- Кўчиб келганимиздан кўп ўтмай Нурматнинг кўр бўлиб қолганини эшитдим. Шифохонада экан. Мусофирчиликда Нурматни бир кўрсам, армоним қолмасди, нимаики қилган бўлса худога солдим, деб юрардим. Даставвал йўқлагим келмади. Охири сабру бардошим етмагач, ош-нон олиб йўлга тушдим. Шифохона коридори эстагида, дераза олдида стулда ўтирган кишига кўзим тушди. Кўзимга иссиқ кўринди. Дикқат билан қарадим. Нурмат экан. У яқинига кимдир келганини пайқайди. Гапни нимадан бошлашга истихорла қилиб, андак турдим.

- Ким бу, овоз бering.

- Нурмат.

Овозимни эшитган Нурмат даст ўрнидан турдида оёғим остига ўзини ташлади. - Бек ака! Тиримкисиз? Энди улсам армоним йўқ. Шу пайтгача сизни кутдим. Қилмишимга яраша худойим жазолади. Тузлингизга ту-пурганим учун мени кечиринг.

Нурмат йўғлади-сиктади... кечирдим.

- Инсон доимо яхшиликни ўйлаши керак, дея хикоясини яқунлади Лазокат опа Қайюмова - Бунда менга отамнинг ёмонлики яхшилик билан ёнгани қувват бағишлаб турди. Халқимиз, қолаверса, оиламиз бошига қилган кўтарганлар даф бўлди. Мамлакатимиз мустақиллик йўлидан дадил борапти. Бунинг учун Тангрига минг бор аҳамду санолар айтаман. Ишончим комил, аҳиллик бирлигини қўлдан бермаган халқимизнинг келажиги Юртбошимиз айтганидек буюк бўлуси, иншооллоҳ.



ЭЪЗОЗ

Crossword

## Уловли йўлдан қўрқмас - топарман жумбоқдан

**Энига:** 1. Алпомишнинг аймоғи, эли. 3. Қоғозбозликни кўргани кузи бўлмаган оташин шоир. 6. Республикаамиздаги вилоятлардан бири. 7. Куч қувават, мадор. 8. Инсоннинг дусту-қуш. 9. Эртақларда тулкининг касби. 10. Мол-қўйга қизиқувчан одам. 14. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 18. Эмзанинг шериғи. 21. Спортда эришилмайдиган улкан натижа. 22. Табиий ҳодиса. 24. Туянинг «ботареа»си. 25. Жиноятчи кўриб қолган киши. 28. Муайян миллатнинг бошқа мамлакатдаги уюшган қатлами. 34. Қадимий оғирлик ўлчов бирлиги. 35. Европача мейморлик услуби. 37. Бир бирини кўрганда хушқаҳқақ бўладиган киши. 38. Ёмғирнинг кучлиси. 40. Буруни шарофловчи қовун нави. 41. Афсонавий маҳлуқот. 42. Лопларнинг севимли жойи. 43. Қалбакни, қўлбола. 44. Тоғда юриб толмайдиган ҳашорат. 46. Чақалоқнинг ётоғи. 49. Қишки спорт тури. 50. Майдаланган булак, парча. 51. Жисмида оёғи қузида қовоғи йўқ жонивор. 53. Чавандозлар бешлашуви. 54. Шиму қўйгаги битта иш кийими.

**Бўйига.** 1. У ҳаммаша паст курсаткича юради. 2. Тропик мева. 4. Чипор тусли ит. 5. Йиртқич ҳайвон. 7. Булоқли ҳовуз. 9. Қимматбахо тош. 11. Телба, ғариб. 12. Шамол келтириб туллаган қумтепалик. 13. Мусиқий нота. 15. Сув юзюда ҳосил бўладиган ҳаволи шар. 16. Хушрўй ҳайвон. 17. Югурши масофасининг охири. 19. Милициянинг қадимий атамаси. 20. Газлама тури. 23. Улов абзали. 26. Отнинг қайсар, ўжари. 27. Айронинг бир тури. 29. Жамиятнинг бошланғич бугини. 30. Жаҳаннамнинг қари. 31. Шарм-ҳав. 32. Қурбақанинг боласи. 33. Осиёдаги ярим орол. 36. Денгиз. 39. Қулоққа бериладиган танбэх - ухшатиш. 41. «Қора» қитъа. 42. Иждоқор аёл. 44. Рубоғ буюми номига ўхшаш туман. 45. Ичлади, лекин сувоқлик эмас. 47. Сифатли тола. 48. У билганини пари ҳам билмайди. 52. Биродар, тушган.

Тузувчи Музаффар НОРМАТОВ.

# МУНАЖЖИМ АЙТАДИКИ...

**КҮЙ (21.03—21.04).** Ҳафта сизга бироз нуқулдай келиши кутилаптир. Жумладан, бу кунларда молия ва бизнес соҳасида катта ишларга қўл уриш тавсия этилмайди. Соғлиқ бора-бора ҳам муаммолар туғилиши мумкин. Фақат дам олиш кунларига келиб, ишларингиз ўнганлари.

**БУЗОҚ (22.04—20.05).** Ҳафта ижобий ва салбий хусусиятларга бой бўлади ва кетма-кет равишда келади. Душанбада лақиллатиб кетишлари мумкин, пайшанба ва жумада ҳам бироз толиқиш рўй беради. Чоршанбада маҳбуб ёки маҳбубангизнинг кўнглини овланг. Шанбада амалий учрашувлар кутулади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05—21.06).** Ҳафта бошида айрим муаммоларга (соғлиқ, толиқиш) дуч келишингиз мумкин. Чоршанбадан бошлаб вазият ўзгариб, молиявий жиҳатдан аҳолининг яхшиланади. Ундан кейинги кунларда хушхабарлар тинглайсиз ҳамда кўнглини харидлар қиласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06—22.07).** Ҳафта молия ва бизнес соҳасида қулай келиши кутулади. Шунингдек, ажойиб хордик чиқариш имконияти ҳам туғилади. Дам олиш кунлари оилада зиддиятлар туғилишидан эҳтиёт бўлинг.

**АРСЛОН (23.07—22.08).** Келаётган ҳафта сиз учун молиявий маънода муваффақиятли бўлса ажаб эмас. Ҳафта бошидаги хуш кайфиятдан сўнг сешанба ва чоршанба кунлари бироз толиқиш рўй беради. Ҳафта сўнггида асабийлашишдан тийилинг. Чунки, бу аввало ўзингизга зарар. Қулай кунлар — пайшанба, жума шанба.

**ПАЗИЗОД (23.08—22.09).** Навбатдаги ҳафта сиз учун молиявий масалаларда анча ўнғ келади. Бу вақтда қалбингиз бахорий туйғулор билан лиммо-лим тўлиб, кўтаринки кайфиятда юрасиз. Яқшанбада лақиллатиб кетишларидан эҳтиёт бўлинг.

**ТАРОЗИ (23.09—22.10).** Ҳафта воқеаларга бой бўлмасида, лекин унчалик ёмон келмайди. Ҳафта давомида кўпроқ ишга бериласиз. Дам олиш кунларида бироз толиқиш ҳис қиласиз. Яқши кунлар — душанба, сешанба.


**ЧАЁН (23.10—22.11).** Ҳафта сиз учун ижобий-салбий ҳолатларнинг омухтасидан иборат бўлиши кутулади. Сешанбада зиддиятли вазиятлар рўй бериши мумкин. Яқшанбада лақиллатиб кетишлари мумкин. Яқши кунлар — душанба, шанба. Ноқулай кун — чоршанба.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12).** Ҳафта мобайнида хушхабарлар тинглашингиз, кўнглини харидлар қилишингиз мумкин. Бироқ, ҳафта ўрталарида соғлигингиз билан боғлиқ муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Бу албатта тез ўтиб кетади ва ҳафта охирида кайфиятингиз чоғ бўлади.

**ТОҒ ЭҶКИСИ (22.12—19.01).** Ҳафта бошида соғлигингиз билан боғлиқ муаммолар туғилади. Лекин, пайшанбадан бошлаб аҳвол ўзгаради. Бу кунларда бизнес ва молия соҳасида катта ишларга қўл урсангиз бўлади.

**КОВҒА (20.18.02).** Бу ҳафта бошида саломатлигингиз хусусида ўйлаб кўринг. Ҳафта ўрталарида қадар бироз чароқ сезилади. Дам олиш кунларида хушхабарлар тинглайсиз. Амалий ишларда ҳам силжиш рўй берса, эҳтимол. Яқши кунлар — шанба, яқшанба.

**БАЛИК (19.02—20.03).** Келаётган ҳафта хайрили ва омадли бўлади. Душанбада лақиллатиб кетишларидан эҳтиёт бўлинг. Сешанбада хушхабарлар тинглайсиз. Чоршанба кунини хордик учун қалай. Жумадан маҳбуб ёки маҳбубангиз кўнглига қаранг, уни хурсанд қилинг. Дам олиш кунлари кайфиятингиз хуш бўлади. Яқши кунлар — сешанба, чоршанба, яқшанба.



Убайдулла УВАТОВ

Олтин мерос

# Уч метрлик фармон ёки...

ёки...

**\* Соҳибқирон тасвири тушган нодир гилам. Унинг нуҳаси ягона эмасга ўхшайди**  
**\* Амир Темурнинг уч метрлик фармони Мосулда**  
**\* Саҳобалар жасорати**  
**\* Басрада яшайдиган Бухорий**

бизнинг тарихимизга шу мамлакатлардаги муносабат даражасини билиш мумкин бўлди? У қай даражада экан?

Тасаввур қилинг: аввало ушбу анжуманга Ўзбекистон олимнинг тақлиф этилиши, бунинг устига нафақат Тунисда балки, шу анжумандан сўнг Иордания пойтахти Аммонда фаолият кўрсатаётган «Исломи ташкилот»нинг шакллантирувчи бутун жаҳон институти тақлифи билан бир неча кутлуг даргоҳларда маърузалар қилиниши, айниқса, маърузаларда мустақил юртимизнинг ўзига хос томонлари билан қизиқишнинг катталиги, айниқса, ислом оламига кенг имконият яратган мухтарам Президентимизнинг номлари ҳар бир саволда тилга олинишидан фахрланмай бўладими? Қара- нг, анжуман ташкили кўмитаси жойлашган зал Абу Али ибн Сино номида экан. Баъзи кўчалар ҳам бизнинг алломаларимиз номлари билан аталади. Тунис ва Иорданияда, телевидение орқали Мисрда яратилган «Имом ат-Термизий ва унинг саҳийҳ китоби» номи кўп қисмли фильми кўрдим. Бу фильмларни жонажон юртошларимиз ҳам кўришни ниёт қилдим.

Ушбу анжуман баҳона тарихимизга оид яна қандай ангилликлар сизга юз

очди?

Иордания қироллик академиясидаги учрашувлардан бирида ўзи Ироқнинг Басра шаҳридан бўлиб, Иорданияда илмий ишлар олиб бораётган олим Юсуф аз-Зуннун ажойиб воқеани сўз-харга ҳеч бир зиён-заҳмат етказмаслик ҳақида махсус фармон берган эканлар. Унинг таъкидлашича, бу фармон уч метрлик бўлиб, ҳозир Масулдаги Марказий банкда сақланар эмиш. Мана бу ҳам урганишга арзиш-гулик янгиликдир. Аммондан 150 км узоқликда тарихий Карак қалъаси бор. У Византия давлати даври маҳсули. Пайгамбаримиз алайҳиссалом ҳаёт давридаёқ Ислам дини ҳимоя қилиб машур Мута мукорабасида катта жасорат кўрсатган саҳобалар Жаъфар ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Раваҳа ва Куръони Каримда номлари зикр этилган ягона саҳоба Зайд ибн Ҳорисаларнинг макбараларини зиёрат қилиш насиб этди.

Шу уринда Мутага ислом ташвиқоти учун йўланган ва шу йўлда шахид бўлган бу саҳобалар ҳақида икки оғиз сўз: Зайд ибн Ҳорича пайгамбаримизнинг икки ўғиллари нобуд бўлгандан сўнг унга тутинган угил бўлиб, уни Мутада ислом тарғиботи учун бош қилиб жунатганлар. Жаъфар ибн Абу Толиб эса Ҳазрат Алийнинг акаси. У Мутада ислом байроғини кутарувчи бўлиб; жангда унинг қўлларини кесганларидан сунгинга байроқ унинг қўлидан тушган. Уни пайгамбаримиз «қўш қанотли саҳоба» деб атаганлар.

Мен Туниснинг Масра деб аталувчи даҳасида кутубхона излаб юриб, Муҳаммад ал-Бухорий деган шахс билан танишдим. У Тунисдаги қатор машойихлари унга пешвоз чиқишди ва Басра ҳам муқаддас шахар ҳисобланиб, бунда Юнус пайгамбар ва Каъбатуллоҳнинг бунёд этилишида катта хизмат кўрсатган Шийс ҳазратлари дафн этилганлигидан Соҳибқиронни оғоҳ этишди. Шунда Амир Темур бу ша-

лаб берди. Унинг айтишича, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Ироқни фатҳ этиш жараёнида Басрага етиб келган, бу шаҳарнинг бир қатор машойихлари унга пешвоз чиқишди ва Басра ҳам муқаддас шахар ҳисобланиб, бунда Юнус пайгамбар ва Каъбатуллоҳнинг бунёд этилишида катта хизмат кўрсатган Шийс ҳазратлари дафн этилганлигидан Соҳибқиронни оғоҳ этишди. Шунда Амир Темур бу ша-

лаб берди. Унинг айтишича, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Ироқни фатҳ этиш жараёнида Басрага етиб келган, бу шаҳарнинг бир қатор машойихлари унга пешвоз чиқишди ва Басра ҳам муқаддас шахар ҳисобланиб, бунда Юнус пайгамбар ва Каъбатуллоҳнинг бунёд этилишида катта хизмат кўрсатган Шийс ҳазратлари дафн этилганлигидан Соҳибқиронни оғоҳ этишди. Шунда Амир Темур бу ша-

лаб берди. Унинг айтишича, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари Ироқни фатҳ этиш жараёнида Басрага етиб келган, бу шаҳарнинг бир қатор машойихлари унга пешвоз чиқишди ва Басра ҳам муқаддас шахар ҳисобланиб, бунда Юнус пайгамбар ва Каъбатуллоҳнинг бунёд этилишида катта хизмат кўрсатган Шийс ҳазратлари дафн этилганлигидан Соҳибқиронни оғоҳ этишди. Шунда Амир Темур бу ша-



Суратда: Амир Темур сиймоси туширилган гилам

Яқинда Тунисда ўзига хос Халқаро анжуман бўлиб ўтди. У «Ислам оламида ҳунармандчилик, шунингдек, гиламдўзлик тарихи ва бугунги истиқболи» мавзусига бағишланди. Унда 42 мамлакатдан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Бу анжуманга тақлиф этилган Халқаро «Олтин мерос» жағма-маси раиси биринчи ўринбосари, шарқшунос олим Убайдулла УВАТОВ «Амир Темур сиймоси туширилган гилам ҳақида» маъруза қилди. Ушбу анжуман сабаб олим Соҳибқирон ва бошқа тарихий алломаларимиз ҳаётига оид анчагина янгиликлардан воқиф бўлиб қайтди.

Убайдулла ака, аввало Халқаро миқёсда аҳамиятга молик санъат асари деб саналган ушбу гилам ҳақида маълумот берсангиз?

Бу гилам Тошкентда, бир одамнинг шахсий мулки сифатида сақланиб келмоқда. У Эронда XIX аср охири, XX аср бошларида туқилган деб тахмин қилинмоқда. Унинг бўйи 220 см, эни 134 см. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунгача Амир Темур тасвирланган бу даражадаги мукамал гилам бундан бошқа ҳали учрамаган. Лекин шу анжуман давомида мен бу каби гилам дунёнинг йирик музейларида бор деган хулосага келдим. Мен анжуманда шу ҳақда маъруза қилиб, асар ҳақида батафсил тушунча бериб бўлган, бу мавзуга қизиқиш ниятда катта бўлди. Хусусан, маърузадан сўнг америкалик профессор Френ Фрайн менинг ёнимга келиб, худди шундай гиламни АКШ давлатига қарашли музейлардан бирида кўрганилигини ва бу гиламдаги Амир Темур тасвири ҳам мазкур гиламдагига ўхшашлигини айтди. У менга бу ҳақда тез кунларда баҳонудил маълумот беришга ваъда берди. Бу албатта ўзига хос янгилик бўлиши табиий.

Анжуман мисолида

Маҳаллалар ҳақида рисолалар

## «ШИРМОНБУЛОҒИМ»

Абдуқул Урмоновнинг «Ширмонбулоғи» номи рисоласини яқинда эканиси Ширмонбулоқ қишлоғининг дастлабки қурилиши ва бу ерларга туб аҳолидан ташқари бошқа томонлардан одамлар кўчиб келиши ва аста-секин маҳаллалар пайдо бўлиши ҳақида ишонarli далиллар келтирилганлигини гувоҳи бўласиз.

Муаллиф баъзи маҳаллалар тарихига оид қизиқарли ривоят ёки воқеалар тарихини ҳам баён этади. Масалан, қишлоқнинг «Қайрағоч ариқ» маҳалласидаги Тулайкин номи ариқнинг гарбий қисмида «Тоштепа» номи тепа бўлган. Бу тепа ёнида қадим замонларда хитой аскарлари

утган. Хитой лашкарбошиларининг буйруғи билан ёнга қарши қурашган лашкарларнинг ҳисобини аниқлаш учун ҳар бир лашкар уша «Тоштепа» ёнидан ўтиб кетатиб, биттадан тош ташлаб кетган экан. Жангда соғ-саломат қолган аскарлар қўлишда ўзи ташлаб кетган тошни қайтариб олиб кетган. Олинмай қолган тошлар орқали жангда ҳалок бўлган жангчилар ҳисоби аниқ чиқариб олинган.

Мазкур китобда «Суфанлик» маҳалласининг тарихи ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган. Муаллифнинг баён этишича, қишлоқ аҳолисининг деярли кўпчилигини ота-боболари

бундан 150-200 йил муқаддм Тожикистон Республикасининг Ҳўжанд вилоятига қарашли Уратепа туманидан кўчиб келишган. Мўсафидларнинг айтишларича, Ширмонбулоққа кўчиб келган уратепаликлар даставвал Фаргонага, унинг «Суфан» деган жойига келиб жойлашган. Шунга қура, жанубий Фаргона каналининг шимолий қисмида яшовчи фуқароларни «Суфанлик» маҳалласи фуқаролари деб юритилади.

Рисолада қишлоқни йил сайин ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилган. Бунда даставвал шу ерлик аҳолининг у ташаббуслари билан ҳақ ҳунармандчилиги йўлида олиб берган

ишлари курсатилади. А.Урмоновнинг баён этишича, Б.Резапов номи жамоа ҳужалиғи ҳудудда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунча 2 та тегириком бўлган. Ҳозир эса 20 та.

Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда кичик корхоналар ҳам маълум даражада аҳамият касб этади. 1998 йилда Булоқбоши туманида 18 та кичик корхона фаолият кўрсатган.

Рисолада узининг шахсий жағғармаси ҳисобига 30-мактабни қуриб берган Абдуҷалил Шариф угли Сархоннинг ҳиммати алоҳида таҳсинларга сазовор эканлиги курсатилган.

Тошпўлат ТОШЛОНОВ.

## БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ

Т.АЛИГА  
 Турсун Али «Жигули»дан ўтди «Тико»га,  
 «Мерседес»га ўтгай бурса гар Америкога.  
 Ун йил бурун «мумтозман» деб айларди хитоб,  
 Истиқлолда - саккиз йилда ёзди бир китоб.

Ҳ.ТОЖИГА  
 Саҳнага чиқишининг бўлса илоҳи,  
 Даврани яшнатар Ҳожибой Тожик.  
 Дерки: «Ўзим гуруҳ, ўзим сўққабош»,  
 Билмадим у қанча оларкин маош?

Ю.УСМОНГА  
 Санъат уни этган эди Юлдуз-чарогон,  
 Олий Мажлис саройида бўлсин нурафшон.  
 Нойибларнинг ичида бор муштарийси мўл,  
 Ҳақиқатнинг қароричун кўтаришгар қўл.

В.РАҲМОНГА  
 «Санамай деса ҳам агарчи саккиз»,  
 Баҳсада рақибин чўқтиради тиз!  
 Ха , кимни қўлласа Тангри таоло,  
 Доим ўз ишини билгайдир аъло.

СИРДАРЭЛИК шоирларга  
 Сирдарё соҳили, Сирдарё бир ён,  
 Бир ёнда жўш ураб Тўра Сулаймон!  
 Баҳор Холбекова бормикан омон?  
 Тошкани забт этган Жонибек Субҳон!

Олим БҮРИ.

**МАНАЛЛА**  
 Ўзбекистон «МАНАЛЛА» хайрия жағғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Иродахон НАРИМОНОВА.

## Бадбўю бадхўр-энг яхши таом

Тибетликларда бир овқат бор. Молни сўйиб қорнини тўкиб ташлаб, ювиб ичига, жигари, буйрағи учкаси, юрагини тўграб солиб бижғитадилар, ҳатто бир икки ҳафтагача ҳам бижғитадилар. Маса-ллиқ қанча куп вақт са-сиб турса ва узоқ-узоқлардан унинг бадбўй хиди таралиб турса, бу энг ноёб ва лазиз таом ҳисобланар экан. Бу масаллиқдан улар шурва -тайёрлашади ёки арпа дони билан суюқ ош пиширишади. Яна бир овқати от ва сизир туёқларини узоқ қайнатиб қора елим ҳолига келганда ейишаверади. Ёки ҳайвон суюқларини майдалаб тегиримонда ун қилиб тортиб атала пишириб ейдилар. Бу-ку майли-я, харом улиб бир неча кун жийиб кетган ҳайвон гуштидан ҳам овқат пиширавердилар.

Агар шу овқатларни бошқа одамлар еса, касал бўлибгина қолмай, ҳатто улиб қолиши ҳам мумкин. Аммо тибетликлар бунга урганиб қолган, одатланган, организми шунга мослашган. Уларнинг аъзолари ана шу сасиган ва улган ҳайвоннинг гуштидаги гоётда хавфли микробларга ҳам бардошлидир. Агар улар ана шундай овқатлардан вақти-вақти билан еб турмасалар, хумориси тутади. Ахир уларнинг кўнгли шуни тусагандан кейин биз нима ҳам дея олар эдик.

## Боласини сут билан боқадиган кабутарлар

Кабутарлар уз полопонларини нима билан боқшини биласизми? Улар полопонларини сут билан боқадилар. Маълумки, улларда сут безлари, эмчак бўлмайди. Дунёга келган полопонлар тумшукларини онасининг оғзига тикадилар-да, у ердан сут эмадилар. Полопонлар дунёга келишдан бир неча кун олдин она кабутарнинг бугзида сут пайдо булади. Уни озуқа ёки «қуш сүти» деб атайдилар. Полопонлар дастлабки кунлари шу сут билан тамадди қилишади. Бу «озуқа» уй кабутарларида 18 кунгача, дала кабутарларида эса, бундан ҳам узоқроқ вақтга етади.

## Жониворлар - аёллар безаги

Купчилик калтакесакка яратилган мавжудотлар ичида энг бадбашараси, хунуги, ёқимсиз сифатида қарашади, ундан ижра-нашади.

Аммо, Мексиканин баъзи қишлоқ аёллари сочларини тирик калтакесак билан безашади. Калтакесакларни зар ипак билан ураб, тўғноғич билан сочга тўғнаб қуйишади. Бундай «тирик» зийнат бир неча соат куз-куз қилиб юриш учун етарли.

Филиппинлик аёллар эса майда қисқичбақаларни мўъжазгина шар аквариумга солиб, қулоққа тақишади. Сирга аквариум-чадаги бетиним жониворлар жуда чиройли товланиб туради. XVIII асрда Францияда ҳам шунга ўхшаш мода пайдо бўлган эди. Парижлик аёллар аквариум сиргаларига майда товонбалиқ солиб юришган.

М. НОРМАТОВ тайврлади.

## Республикамизда «Меҳр-мурувват 10 кунлиги» давом этмоқда «Лайлатул қадр» хосияти

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2000 йилнинг дастлабки 10 кунини «Меҳр-мурувват» кунлари деб эълон қилинди. Шу қарор доирасида мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, турли ташкилот ва муассасаларда, масжидларда ўтказилаётган бундай тадбирлар давомида ёлғиз қариялар ва ногиронлардан, бетоб ётиб қолган қариндош-уруғ, ёр-дўстлардан, кам таъминланган оилалар аҳолидан хабар олинмоқда, уларнинг кўнглини кўтариб катта савоб ишларга қўл урилмоқда.

Чунонки, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Мирзо Юсуф, Шивели, Бодомзор, Гивс Умаров ва Фирдавсий номи маҳаллаларида хизмат қилувчи хома масжидида шундай кеча ўтказилди. Кечанинг асосий мавзуси Рамазон ойининг энг хосиятли кунини «Лайлатул қадр» кечасига бағишланди. Масжиднинг бош имом хатиби Абдуқодир хожи Ҳайдаров бу кутлуг кунда Оллоҳ фаришталари самодан тушиб, ерга яқинлашишлари, шунда дуода бўлган муминларнинг илтижоларини Ҳаттанга тезда етказишлари ва улар ижобат бўлиши мумкинлиги ҳақида, Ра-

мазон ойда хайрия қилишнинг, етим-есир, бечоралар ҳолидан хабар олишнинг улуг савоби ҳақида гапирди. Абдуқодир хожининг шахсан уларга оқоридаги 5 маҳалладан ҳар биридаги бештадан кам таъминланган оилаларга 3 минг сумдан хайрия пули ажратилди. Шунингдек, масжиднинг вафот этиб кетган собиқ имом хатиблари - Исқандар қори, Абдурахмон қори, Пулат қори, Олим қори ва Ҳожи қорилар хотираси эсга олинди, уларнинг фарзандларига тунар кийдирилди ва Қуръони Карим китоблари ҳада этилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси муфтий Абдурашид қори Бахромоов, пойтахт масжидларининг бош имом хатиби Анвар қори Турсунов ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги диний ишлар кўмитасининг масъул ходимлар ушбу кечада ҳозир бўлдилар. Муфтий Абдурашид қори Бахромоов кеча охирида Қуръон тилвот қилиб, атраф маҳаллалар аҳлига бахт-саодат ҳамда мамлакатимизга равнақ тилаб дуо қилди.

Суратларда: Мурувват тадбиридан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



## БУХОРО

Ногиронлар жамятининг ҳар томонлама ерданга муҳтож қатлами ҳисобланади. Улар соғлигини уйлаш, ташвишини енгил қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Шунинг учун ерданга муҳтож кишилардан бир оғиз ширин сўзимизни дариг тутмай, улардан кўнгли сураш, ҳол-аҳолидан хабар олиб туриш азалий қадриятларимиздан эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Айнан шуни назарда тутган Бухоро туман «Камолот» жағғармаси туман бўлими ходимлари яқинда бир неча ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларга моддий ёрдам курсатди.

«Бухоро» жамоа ҳужалиғидан Ситорабун Пулатова, «Янги турмуш» жамоа ҳужалиғидан Рустам Жумаев, Улмас Рузиев, «Чор Бакр» ширкат ҳужалиғидан Нигина Ашурова, О.Убайдов номи жамоа ҳужалиғидан Сайёра Раҳматова, Галаасиб шаҳридан Азиз Бобоев, Равайн Жўраев сингари ногирон болаларнинг ота-оналари «Камолот» жағғармасига раҳматлар айтиб, болаларига таълим бераётган мураббийларига уларнинг миннатдорчиликларини айтдилар.

А. ПРИМОВ.

## Муҳаммад КОДИР

## «ЖАРЧИ» НИМА ДЕЙДИ?

Наманган вилоятининг Чортоқ шаҳрида бир суннат тўйида қатнашиш насиб қилганди. Мен Андижонда тўйбола «ётқилиши»дан аввал устанинг бир катта лағанда ок матоҳни ташлаб тўйхона айланишини яхши билан. Хизмат қилиб юрганлар, меҳмонлар, қариндошлар «тўйбола»га атаганларини ташлайдилар.

Чортоқда дастурхон устида гурунглашиб утиргандик. Бир тўй жарчи бола овози билан:

— Сотиболдиникига тўйга-а-а!.. - деб қолди. Чор атрофдагилар кийдириб қулишди. Мен тўйларда бўлиб турадиган ҳазил-мўтойибалардан бири-да деб уйлабман. Чунки тўй якунлангипти, жар солишга нима бор?

Даврадагилар менга қараб ҳам кула бошладилар. Ҳайрон бўлиб жарчи овозига қулоқ тутсам, менин исминини айтиб жар соляпти!

— Муҳаммадқодир ақаникига тўйга-а-а!..

— Нимага бунақа қиялгипти, деб сурадим ёнимда утирганлардан.

— Тўй ағасининг энг катта божасисиз.

Узоқдан келганимни биладиган бири изоҳ берди:

— Сизни ҳам хурсанд бўлсин, угилга етказиб, худди шундай деб жар солинадиган кунларга, тўйларга етказсин, - деб ният қиялпти.

О, қандай эзгу ният! Дарҳол уримдан туриб, чунтақ қавлаганча ташқарига чиқдим.

«Номини қақирилган киши ким экан?» деб ҳайрон бўлиб аланглаб турганлар қулиб ши-

вирлашга утишди: — Э-э, андижонлик меҳмон экан!

— Сотиболдининг божаси-да!

Қаранг, биргина жар солишининг бир олам маъносини: таниманга-билмаганларга меҳмонни танитди. Тўйга қолган шунчаки меҳмонгина эмас, шу хонадондаги келиннинг поччаси, қуванин божаси эканлигини, исминини билиб олишди. Одатта қура, ҳали тўй қилмаган яқинлари исминини, жарга қушиб айтилар экан.

О, ўзбекининг инсонпарварлиги!

Бунчалик бағри кенг халқ бормикан дунёда?!

Қувонган йигитлар «Тилиннга асал-е!» «Шу кунларга етказсин-а!» дея жарчиға «атаб қўйганини беришади. Хуллас, тўй хурсандчилигидан ҳеч ким ўқисик кетмайди. Тирноққа зор киши ҳам ўз исминини айтиб «тўйга қақирилгани»дан бир энтикиб олади, дилига умид чўр солади. Унинг хотини ҳам эрининг исми айтиб жар солинганда ичкарида утириб «қизариб» олса-да дилида завқ-шаўқ туюди. Эзгу ҳислар кўнглини чулғайди.

ТАХРИРЯТДАН:

Қизик, халқимизнинг шунчақ умри узоқ удулари яна қанча экан-а? Ҳар бир удум эзгу ниятсиз бўлмайди ахир. Қани эди, бошқа вилоятлар маҳаллаларидаги ўзига хос удуларнинг тағмаъноси, мақсад-моҳияти ҳақида газетамизга ёзиб юборишса. Биз ҳам ўқиб билсак.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-041

Топширилди—20.30